

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУСАИНБОЕВ ШОХРУХ ДАВРОНБЕКОВИЧ

**БАЙДАРКА ВА КАНОЭДА ЭШКАК ЭШУВЧИЛАРНИНГ ЕЛКА
БЎҒИМЛАРИ ЖАРОҲАТЛАРИНИ ЖИСМОНИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ
ҚИЛИШ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.38 – Спорт тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2025

УЎК: 615.8+616.72-009.7:796.015.363

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хусаинбоев Шохрух Давронбекович

Байдарка ва каноэда эшкак эшувчиларнинг елка бўғимлари жароҳатларини жисмоний реабилитация қилиш дастурини ишлаб чиқиш..... 3

Хусаинбоев Шохрух Давронбекович

Разработка программы физической реабилитации при травмах плечевого сустава у байдарочников и каноистов21

Xusainboyev Shoxrux Davronbekovich

Development of a physical rehabilitation program for shoulder injuries in kayakers and canoeists39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУСАИНБОЕВ ШОХРУХ ДАВРОНБЕКОВИЧ

**БАЙДАРКА ВА КАНОЭДА ЭШКАК ЭШУВЧИЛАРНИНГ ЕЛКА
БЎҒИМЛАРИ ЖАРОҲАТЛАРИНИ ЖИСМОНИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ
ҚИЛИШ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.38 – Спорт тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2239 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ризаев Жасур Алимджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Садыков Абдушукур Абдужалилович, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Еремушкин Михаил Анатольевич тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025-йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100 Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 18-уй, СамДТУ бош биноси. Тел./факс: (99866) 233 -30-34); e-mail: ilmiyprorektori@sammu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: (99866) 233 -30-34).

Диссертация автореферати 2025-йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025-йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.А. Ярмухамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Ж.А. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

С.Э. Мамараджабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Югуриш, сузиш, велоспорт ва чанги пойгалари каби даврий спорт турлари саломатликни мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) барча ёш гуруҳлари учун мунтазам жисмоний фаолликнинг зарурлигини алоҳида таъкидлайди. ЖССТ мамлакатларни аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини оширишга қаратилган миллий стратегияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга ундамоқда. Бу спорт билан шуғулланиш учун зарур шароитларни яратиш, аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб бориш ҳамда жисмоний фаолликни кундалик турмуш тарзига сингдиришни ўз ичига олади¹. Даврий спорт турлари ҳар бир давр асосида ётган ҳаракат фазаларининг такрорланиши, ҳар бир даврнинг кейинги ва олдингилари билан чамбарчас боғлиқлиги билан тавсифланади. Даврий машқларнинг асосини автоматик равишда намоён бўлувчи ритмик ҳаракат рефлекси ташкил қилади. Ушбу спорт турлари бўйича юқори натижалар биринчи навбатда организм турли тизимларининг функционал имкониятларига ва спортчининг ихтиёрий равишда чарчокқа қарши туриш қобилиятига боғлиқ. Даврий спорт турлари билан шуғулланишда катта миқдорда энергия сарфланади, ишнинг ўзи эса юқори интензивликда бажарилади, бу эса ўз навбатида спортчининг тўлиқ жисмоний ривожланишига ва унинг спорт маҳоратининг ўсишига замин яратилишига олиб келади.

Жаҳонда спорт жароҳатларининг реабилитацияси ва профилактикасини такомиллаштиришга қаратилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Елка бўғимининг шикастланиши - катта бўғимларнинг энг кенг тарқалган патологияларидан бири бўлиб, адабиётлардаги маълумотларга кўра 16% дан 55% гача бўлган ҳолатларни ташкил қилади. Елка бўғимидаги оғриқлар таянч-ҳаракат тизимининг барча муаммолари орасида аниқланиш частотасига кўра, умуртқа поғонасининг бел қисмидаги ва тизза бўғимларидаги оғриқлардан кейин учинчи ўринда туради. Кўпинча айланма (ротатор) манжетининг шикастланиши учраб, ҳолатларнинг 86% ни ташкил қилади, бу эса меҳнатга лаёқатсизликнинг энг кенг тарқалган сабаби ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимини халқаро андозаларга мослаштириш бўйича комплекс дастурий ва мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу муносабат билан «...бирламчи тиббий-санитария ёрдами бўйича малакали ёрдам сифатини ошириш...» вазифалари белгиланди. Бу вазифаларни татбиқ этиш, жумладан, эшкак эшувчи спортчиларида елка жароҳатларининг тарқалиши ва уларнинг олдини олиш ва реабилитация қилиш усуллари бўйича чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, спорт жароҳатларининг салбий оқибатларини

¹ Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг жисмоний фаоллик ва кам ҳаракатли турмуш тарзи бўйича глобал тавсиялари (2020) рус тилида. <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/337001/9789240014909>

камайтиришда тиббиёт ва фармакологиянинг замонавий ютуқларидан фойдаланиш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида»², 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 7 апрелда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2020 йил 19 июнда тасдиқланган «Инновацион фаолият тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эшкак эшиш энг тўлиқ умумий жисмоний ривожланишни таъминлайдиган спорт турларидан биридир. Эшкак эшишнинг ҳозирги ривожланиши босқичида кўплаб турли хил илмий тадқиқотлар натижаларига асосланиб, спортчининг антропометрик ва морфологик маълумотлари кўп жиҳатдан унинг кейинги натижаларини белгилаши аниқланди. Тана композицион таркиби, мушак массасининг миқдори ва скелет мушак толаларининг таркиби эшкак эшувчи томонидан талаб қилинадиган куч ва специфик чидамликни ривожлантириш ва уни стандарт масофада тегишли даражада ушлаб туриш имкониятини белгилайди. Эшкак эшувчилар ёғ массаси сезиларли даражада (22,9% гача) камлиги ва мушакларнинг массасининг (9,1% гача) кўплиги билан ажралиб туради.

Адабиётларда турли хил реабилитация тадбирларининг ҳозирги босқичида елка жароҳатланишларида реабилитация қилиш самарадорлигига катта эътибор берилади, аммо шикастланган бўғим тузилмаларининг функционал ҳолати ва биоэлектрик фаоллигини ҳисобга олган ҳолда ушбу патологияни даволашдан спортчининг қониқиши ҳақидаги масалалар деярли ҳисобга олинмаган (Franklin A. ва бошқ., 2017). Шу сабабли, ушбу йўналишдаги клиник тадқиқотлар амалий қизиқиш уйғотади. Муаллифларнинг таъкидлашича, ушбу гуруҳдаги спортчиларнинг аксарияти даволанишга қарамай, 12 ой давомида бўғимдаги оғриқ синдроми ва ҳаракат амплитудасининг камайишини қайд қилишади, гарчи сўнгги йилларда тикловчи даволанишга ёндашувлар сезиларли даражада ўзгарган бўлса-да, эшкак эшиш спортчиларида комплекс реабилитация дастурлари, елка

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бўғимлари жароҳатларини ташхислаш ва даволашнинг аниқ алгоритмлари йўқлиги сабабли усулларнинг самарадорлиги пастлиги сақланиб қолмоқда (Погребной А.И., 2016; Karlson K., 2015; Lu T. ва бошқ., 2023).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 012400287 – сонли “Жароҳатлар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларни олдини олиш, ташхислаш ҳамда даволашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш” илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади байдарка ва каноэда эшкак эшувчи-спортчиларда жисмоний реабилитация самарадорлигини ошириш ва елка бўғими шикастланишининг профилактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

байдарка ва каноэда эшкак эшувчи-спортчиларининг елка жароҳатланишларининг этиологик омилларини ўрганиш;

байдарка ва каноэда эшкак эшувчилар ва спортчи бўлмаганлар ўртасидаги антропометрик ва морфологик фарқларни ўрганиш, эшкак эшувчилар танасининг композицион таркибини таҳлил қилиш;

жароҳатланган елка бўғими атрофидаги мушакларнинг электромиографик текширувини ўтказиш;

эшкак эшувчиларда елка бўғими жароҳатларини жисмоний реабилитация қилиш ва олдини олиш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида 2022-2024 йилларда даволанишдан сўнг реабилитациядан ўтган елка бўғимлари шикастланган 51 нафар эшкак эшувчи олинди.

Тадқиқот предмети сифатида елка камари мушак тўқималари, суяк тўқималари ва мушакларининг электромиография кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Белгиланган вазифаларни бажариш учун клиник, клиник синов, рентгенологик, УТТ, КТ, электромиография ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

эшкак эшувчи-спортчиларда елка бўғимларининг шикастланишига таъсир этувчи биомеханик ва ташқи омилларни комплекс ўрганиш ушбу спорт турига хос жароҳатланиш сабаблари ва хавфларини аниқлаш шунингдек эшкак эшиш техникаси ва машғулот юкламаларини чуқур таҳлил қилиш, бу омиллар ва елка жароҳатларининг тарқалганлиги ўртасидаги боғлиқлик илмий асослаш;

байдарка ва каноэда эшкак эшувчилар танасининг антропометрик кўрсаткичлари ва морфологик тузилишини қиёсий ўрганиш орқали, ушбу махсус жисмоний фаолият натижасида спортчиларда пайдо бўладиган ўзига хос тана массаси ва пропорцияларидаги ўзгаришлар, мушак тўқималарининг айрим гуруҳларда интенсив ривожланиши, ҳаракатлар асимметрияси, юрак-

қон томир ва нафас олиш тизимларида функционал мослашувлар каби адаптациялар аниқланган;

тадқиқот давомида эшкак эшувчиларда шикастланган елка бўғимини ўраб турган мушакларнинг функционал фаоллиги тўғрисида малумотларни ўрганиш, бу жароҳатлардан кейин нерв-мушак координациясининг хусусиятларини аниқлаш имконини берган ва ушбу тадқиқот жароҳатларнинг ривожланишида мушаклар дисбалансининг табиати ва алоҳида мушак гуруҳларининг роли ҳақида янги маълумотлар асосланган;

илк марта эшкак эшувчиларда жароҳатлар механикаси, мушаклар дисбаланси ва жароҳатларнинг клиник хусусиятлари бўйича олинган маълумотлар асосида елка бўғимлари жароҳатларини реабилитация қилиш ва олдини олиш бўйича ихтисослаштирилган дастур ва инновацион ечимлар ишлаб чиқилган ва самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

елка жароҳати олган эшкак эшувчиларни реабилитация қилиш дастурини амалиётга жорий этиш елка бўғими функциясини тикланишининг ўртача муддатини 2,04 марта ($p < 0,05$) қисқартириши аниқланган;

асосий гуруҳдаги барча беморлар 21 кунгача елка бўғимида фаол ҳаракатларни амалга ошириб, бўғим функциясини тўлиқ тиклай олишган, назорат гуруҳидаги беморларга эса деярли 6 ҳафта керак бўлган;

Rowe шкаласига кўра, жисмоний қайта тикландан фойдалангандан сўнг беморларнинг 41 тасида (80,39%) аъло натижаларга эришилган, 10 тасида (19,6%) яхши натижалар олинган, қониқарли ва қониқарсиз натижалар кузатилмаганлиги аниқланди; даволаш натижаларини баҳолашнинг ўртача кўрсаткичи $94,6 \pm 0,5$ ($p < 0,05$) ни ташкил қилган;

Constant-Murley шкаласига кўра, жисмоний қайта тиклангандан сўнг, беморларнинг 50,98% да аъло натижалар, 45,09% да яхши натижалар кузатилганлиги аниқланган;

шикастланган қўл нерв-мушак тизимининг бузилган функциясини оптимал нуқталарда тикланиши 6 ойгача бўлган даврда кузатилиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланиладиган ёндашувлар ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижаларга мувофиқлиги, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, статистик усуллардан фойдаланган ҳолда қайта ишланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларини бошқа муаллифларнинг маълумотлари билан таққослаш, берилган хулосалар ва олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади. Барча хулосалар ва амалий тавсиялар асосли ва ишончли мантиқий натижалардан келиб чиқади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, спортчиларни елка жароҳатидан кейин превентив жисмоний реабилитация қилиш дастурининг тузилиши ва мазмуни аниқланган шунингдек шикастланишнинг олдини олиш учун воситалардан фойдаланиш тамойиллари

аниқланган: ҳаракатни амалга оширишда иштирок этадиган мушакларни кучайтириш; функционал ҳаракатни шакллантириш, яъни тана, қўл ва оёқлар мушакларининг координацияланган иши.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тикланиш жараёнининг биомеханик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, елка бўғимлари шикастланишидан кейин спортчиларни превентив жисмоний реабилитация қилиш услубини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат, яъни ишлаб чиқилган дастурдан спортчилар ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида, жисмоний тарбия ва спорт мажмуаларида реабилитация фаолиятидан машғулот жараёнига ўтиш даврида амалий ишларда; жисмоний тарбия йўналишидаги олий ўқув юртларининг ўқув-машқ жараёнида ва жисмоний тарбия ва соғломлаштириш марказларининг спорт секцияларида елка бўғимлари шикастланишининг олдини олиш; даволовчи жисмоний тарбия инструктор-методистларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: каноэда ва байдаркада эшкак эшувчиларда елка бўғимлари шикастланишининг олдини олиш ва реабилитация қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий натижаларга асосланиб:

биринчи илмий янгилик: эшкак эшувчи-спортчиларда елка бўғимларининг шикастланишига таъсир этувчи биомеханик ва ташқи омилларни комплекс ўрганиш ушбу спорт турига хос жароҳатланиш сабаблари ва хавфларини аниқлаш шунингдек эшкак эшиш техникаси ва машғулот юкламаларини чуқур таҳлил қилиш, бу омиллар ва елка жароҳатларининг тарқалганлиги ўртасидаги боғлиқлик илмий асосланган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 28-августдаги №1 сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Эшкак эшувчиларда елка бўғимининг шикастланиш даражасини барвақт аниқлаш натижалари” ва “Байдарка ва каноэда эшкак эшувчи спортчиларда елка бўғими шикастланишларининг реабилитация ҳамда профилактика дастури” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Бу бўйича Жиззах вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказига 2024-йил 28-сентябрдаги 24/1-сонли буйруқ, РИТОИА тиббиёт маркази Самарқанд филиалига 2024-йил 2-октябрдаги 157-И-сонли буйруқ асосида ва Самарқанд вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказига 2024-йил 2-октябрдаги 46-А-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Эшкак эшувчилардаги елка бўғимларининг шикастланишига сабаб бўлувчи омилларнинг таҳлили орқали шикастланишларнинг сабаблари ва хавфларини аниқлаш спортчилар фаолиятини қайта тиклашди муҳим аҳамиятга эга. Натижада индивидуал ёндашувга асосланган реабилитация дастурларини оптималлаштириш имкони юзага келади. *Иқтисодий самарадорлик:* Эшкак эшувчиларда елка жароҳатларини эрта ташхислаш ва реабилитация сарф харажатларини қисқаради. Реабилитация самарадорлиги ортади, спорт клублари ва сарф харажатларни камайтиради. *Хулоса:* байдарка ва каноэда эшкак эшувчиларда елка бўғими шикастланишларининг сабабларини чуқур

ўрганилиши натижасида уларни профилактика ва реабилитациясига қаратилган ихтисослаштирилган дастур ишлаб чиқилди. Спортчилар жисмоний тайёргарлик жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда молиявий сарф харажатларни қисқартириш мумкин, сув спорти соҳасида юқори ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини оширади.

иккинчи илмий янгилик: байдарка ва каноэда эшкак эшувчилар танасининг антропометрик кўрсаткичлари ва морфологик тузилишини қиёсий ўрганиш орқали, ушбу махсус жисмоний фаолият натижасида спортчиларда пайдо бўладиган ўзига хос тана массаси ва пропорцияларидаги ўзгаришлар, мушак тўқималарининг айрим гуруҳларда интенсив ривожланиши, ҳаракатлар асимметрияси, юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларида функционал мослашувлар каби адаптациялар аниқланган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 28-августдаги №1 сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Эшкак эшувчиларда елка бўғимининг шикастланиш даражасини барвақт аниқлаш натижалари” ва “Байдарка ва каноэда эшкак эшувчи спортчиларда елка бўғими шикастланишларининг реабилитация ҳамда профилактика дастури” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Бу бўйича Жиззах вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказига 2024-йил 28-сентябрдаги 24/1-сонли буйруқ, РИТОИА тиббиёт маркази Самарқанд филиалига 2024-йил 2-октябрдаги 157-И-сонли буйруқ асосида ва Самарқанд вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказига 2024-йил 2-октябрдаги 46-А-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* байдарка ва каноэда эшкак эшувчилар танасининг антропометрик кўрсаткичлари ва морфологик тузилишини қиёсий ўрганиш амалга оширилди, бу махсус жисмоний фаолият натижасида спортчиларда пайдо бўладиган ўзига хос адаптацияларни аниқлаш имконини берган. Тана тузилишига, шу жумладан мушак ва ёғ массасига алоҳида эътибор қаратилган, бу спорт машғулотларининг жисмоний тайёргарлик ва саломатликка таъсирини оширган. *Иқтисодий самарадорлиги:* реабилитация учун сарф харажатлар икки баробарга қисқарди, елка бўғими функциясининг тикланиш вақтини қисқартирди. Шунингдек малакали спортчиларни тарбиялаш жараёнларини тезлаштиради ва қўшимча сарф харажатларни тежайди. *Хулоса:* байдарка ва каноэда эшкак эшувчиларда елка бўғими шикастланишларининг сабабларини чуқур ўрганилиши натижасида уларни профилактика ва реабилитациясига қаратилган ихтисослаштирилган дастур ишлаб чиқилди. Спортчилар жисмоний тайёргарлик жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда молиявий сарф харажатларни қисқартириш мумкин, сув спорти соҳасида юқори ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини оширади.

учинчи илмий янгилик: тадқиқот давомида эшкак эшувчиларда шикастланган елка бўғимини ўраб турган мушакларнинг функционал фаоллиги тўғрисида малумотларни ўрганиш, бу жароҳатлардан кейин нерв-мушак координациясининг хусусиятларини аниқлаш имконини берган ва ушбу тадқиқот жароҳатларнинг ривожланишида мушаклар дисбалансининг табиати ва

алоҳида мушак гуруҳларининг роли ҳақида янги маълумотлар асосланган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 28-августдаги №1 сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Эшкак эшувчиларда елка бўғимининг шикастланиш даражасини барвақт аниқлаш натижалари” ва “Байдарка ва каноэда эшкак эшувчи спортчиларда елка бўғими шикастланишларининг реабилитатсия ҳамда профилактика дастури” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Бу бўйича Жиззах вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитатсия қилиш ва протезлаш марказига 2024-йил 28-сентябрдаги 24/1-сонли буйруқ, РИТОИА тиббиёт маркази Самарқанд филиалига 2024-йил 2-октябрдаги 157-И-сонли буйруқ асосида ва Самарқанд вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитатсия қилиш ва протезлаш марказига 2024-йил 2-октябрдаги 46-А-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ушбу тадқиқот давомида эшкак эшувчиларда шикастланган елка бўғимини ўраб турган мушакларнинг функционал фаоллиги тўғрисида маълумотлар олинди, бу жароҳатлардан кейин нерв-мушак координациясининг хусусиятларини аниқлаш имконини берган. Ушбу тадқиқот жароҳатларнинг ривожланишида мушаклар дисбалансининг табиати ва алоҳида мушак гуруҳларининг роли ҳақида янги маълумотлар аниқланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* байдаркачиларда узок давом этувчи реабилитацион сарф харажатлар камайтиради, машғулотлардаги танаффус даврини камайтиради. Бунинг натижасида спорт муассасаларининг моддий ресурслар тежалади ҳамда юқори малакали сақланиб қолиш имконини беради. *Хулоса:* байдарка ва каноэда эшкак эшувчиларда елка бўғими шикастланишларининг сабабларини чуқур ўрганилиши натижасида уларни профилактика ва реабилитациясига қаратилган ихтисослаштирилган дастур ишлаб чиқилди. Спортчилар жисмоний тайёргарлик жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда молиявий сарф харажатларни қисқартириш мумкин, сув спорти соҳасида юқори ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини оширади.

тўртинчи илмий янгилик: илк марта эшкак эшувчиларда жароҳатлар механикаси, мушаклар дисабаланси ва жароҳатларнинг клиник хусусиятлари бўйича олинган маълумотлар асосида елка бўғимлари жароҳатларини реабилитация қилиш ва олдини олиш бўйича ихтисослаштирилган дастур ва инновацион ечимлар ишлаб чиқилган ва самарадорлиги баҳоланган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 28-августдаги №1 сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Эшкак эшувчиларда елка бўғимининг шикастланиш даражасини барвақт аниқлаш натижалари” ва “Байдарка ва каноэда эшкак эшувчи спортчиларда елка бўғими шикастланишларининг реабилитатсия ҳамда профилактика дастури” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Бу бўйича Жиззах вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитатсия қилиш ва протезлаш марказига 2024-йил 28-сентябрдаги 24/1-сонли буйруқ, РИТОИА тиббиёт маркази Самарқанд филиалига 2024-йил 2-октябрдаги 157-И-сонли буйруқ асосида ва Самарқанд вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитатсия қилиш ва протезлаш марказига 2024-йил 2-октябрдаги 46-А-сонли буйруқ

билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги*: эшкак эшувчиларда жароҳатлар механикаси, мушаклар дисабаланси ва жароҳатларнинг клиник хусусиятлари бўйича олинган маълумотлар асосида елка бўғимлари жароҳатларини реабилитация қилиш ва олдини олиш бўйича ихтисослаштирилган дастур ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган. Назорат остидаги тадқиқотлар орқали дастур самарадорлигини баҳолаш, тикланишни яхшилаш ва қайта шикастланишларнинг олдини олиш учун инновацион ечимлар топилган. *Иқтисодий самарадорлиги*: Байдарка ва каноэда эшкак эшувчиларни реабилитацияси юзасидан ишлаб чиқилган махсус дастурлар юқори ҳаражатли муолажалар, узоқ давом этувчи реабилитация сарф харажатларини камайтиради. Бу чора тадбирлар спортчилар фаолиятини узайтириш, реабилитацияни узлуксиз давом эттириш ва янги кадрлар тайёрлаш учун сарфланадиган ресурсларни тежаш имкониятини яратади. *Хулоса*: байдарка ва каноэда эшкак эшувчиларда елка бўғими шикастланишларининг сабабларини чуқур ўрганилиши натижасида уларни профилактика ва реабилитациясига қаратилган ихтисослаштирилган дастур ишлаб чиқилди. Спортчилар жисмоний тайёргарлик жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда молиявий сарф харажатларни қисқартириш мумкин, сув спорти соҳасида юқори ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини оширади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақолалар, 7 та республика, 1 та хорижий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 та бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, унинг мақсад ва вазифалари баён қилинган, тадқиқот объекти ва мавзуси аниқланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Кириш қисмида тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тавсифи берилган, олинган натижаларнинг ҳам илмий, ҳам амалий аҳамияти таъкидланган, шунингдек, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш истиқболлари асослаб берилган, нашрлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Адабиётлар шарҳи бобида ушбу мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили келтирилган бўлиб, адабиётларда сўнгги йилларда травма ҳолатлари кўпайганлигини кўрсатилади жумладан, елка бўғими анатомофункционал жихатларига тўхтанилади: елканинг бўғим сифатида тузилиши дифференциаллашган нерв-мушак назорати туфайли инсон организмида ноёб ҳаракат диапазонларини таъминлайди. Мураккаб анатомия ва биомеханика ғайриоддий ишлаш доирасини таъминлайди, шунингдек, спорт жароҳатлари ва спорт травмаларига олиб келадиган кўплаб патологик жараёнларнинг асосини ташкил қилади. Тўғридан-тўғри шикастланиш механизмлари (йиқилиш ва зарбли жароҳатлар) ва билвосита куч таъсири елка камар бўғимларининг мураккаб анатомик тузилмаларининг макротравма ва микротравмасига олиб келади.

Тана вазнини кўтарадиган тўпиқ ва тизза бўғимларидан ташқари, елка спорт жароҳатларига мойиллиги бўйича учинчи ўринда туради. Қизиғи шундаки, беморларнинг тўртдан уч қисми асосан 20 ёшдан 29 ёшгача бўлган эркеклар. Шу билан бирга, 25% аёллар 20-40 ёшдалиги аниқланган. Адабиётларда елканинг олдинги чиқиши инсон организмида бўғимнинг энг кенг тарқалган чиқиши сифатида тасвирланган.

Диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини таҳлил қилиш муаллифга спорт тиббиёти муаммосига илмий ечим топишга имкон берди, шунингдек амалий аҳамиятга эга бўлган масалаларни кўтарди. Юқорида айтиб ўтилган барча ҳолатлар спорт тиббиёти муаммоларининг жиддийлигини кўрсатади ва бизга амалий аҳамиятга эга масалаларни ўрганиш вазифасини қўяди.

Диссертациянинг **«Текширилган беморларнинг хусусиятлари ва тадқиқот усуллари»** деб номланган II бобида 2022-2024-йиллар давомида Самарқанд Давлат тиббиёт университети хузуридаги спорт тиббиёти ва реабилитология илмий – амалий маркази базасида тадқиқотга жалб этилган спортчилар, уларни текшириш усуллари ҳақида сўз юритилади. 2022–2024 йиллар давомида елка бўғини жароҳатларидан сўнг реабилитация жараёнидан ўтган 91 нафар байдарка ва каноэ эшкак эшувчи спортчилар танлаб олинган. Асосий гуруҳни ишлаб чиқилган дастур асосида жисмоний реабилитациядан ўтган 51 нафар эшкак эшувчи спортчи ташкил этди. Назорат гуруҳига эса 40 нафар анъанавий усулда реабилитация қилинган спортчилар жалб қилинган. Асосий гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши $20,06 \pm 2,05$ ёш, эркеклар 33

нафар, аёллар 18 нафарни ташкил этди. Назорат гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши $20,1 \pm 1,78$ ёш, эркаклар 23 нафар, аёллар 17 нафарни ташкил этди. Бундан ташқари татқиқот натижаларини таққослаш учун тадқиқотга соғлом спортчи бўлмаган 20 нафар одам жалб қилинди. Тадқиқотда иштирок этган спортчилар асосий гуруҳида инновацион реабилитация дастури қўлланган бўлса ва назорат гуруҳида анъанавий реабилитациядан ўтган. Шунингдек, қиёсий таҳлиллар учун турли морфофункционал кўрсаткичларни баҳолашда 20 нафар соғлом, спорт билан шуғулланмайдиган ёшлар ҳам жалб этилган. Ушбу танлов спорт жараёнида елка бўғинига тушадиган юқори юклама ва жароҳатлар хавфи юқорилиги, шунингдек, профессионал спортда функционал тикланишнинг аҳамиятидан келиб чиқиб амалга оширилган. Тадқиқот давомида белгиланган вазифаларни бажариш учун клиник синовлар, рентгенологик, УТТ, КТ, электромиография ва статистик усуллардан фойдаланилган. Бунда антропометрик клиник текшириш усуллари умум қабул қилинган дастур бўйича бажарилди.

Диссертациянинг «**Беморларнинг умумий хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобидан биринчи ва иккинчи гуруҳдаги барча беморларнинг клиник хусусиятлари келтирилган. Жисмоний ҳолати ва тана тузилиши хусусиятлари кўпгина спорт турларида, хусусан, эшкак эшишда муҳим рол ўйнайди. Ушбу спорт турида юқори спорт натижаларига фақат маълум мойиллик ва қобилиятларга эга бўлган спортчилар эришадилар. Эшкак эшувчиларнинг антропометрик ва морфологик хусусиятлари ҳам самарали эшкак эшиш техникасини, ҳам мушакларнинг узоқ муддатли ишлаш қобилиятини таъминлайди – бу специфик чидамлилиқнинг намоён бўлишидир. Эшкак эшиш билан шуғулланадиган спортчилар баланд бўйли ва катта тана вазнига эга эканлиги аниқланди (катта мушак ва ёғ массаси туфайли). Байдарка ва каноэда эшкак эшувчиларда тана композицион таркиби кўрсаткичларини ўрганиш натижасида эшкак эшувчилар ва спортчи бўлмаган гуруҳ ўртасидаги мушак массаси ва умумий оғирлиги бўйича сезиларли фарқлар аниқланди. Оғирлик кўрсаткичларини таҳлил қилишда қуйидагилар аниқланди: спортчиларнинг тана узунлиги 186 дан 193 см гача, тана вазни 83 дан 91 кг гача. Олинган оғирлик кўрсаткичлари маълумотларини эшкак эшувчилар ва спортчи бўлмаганлар – спорт билан шуғулланмайдиган одамлар маълумотлари билан таққосладик.

1-жадвал

Байдарка ва каноэда эшкак эшувчиларнинг тана композицион таркиби кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Байдарка ва каноэда эшкак эшувчилар, n= 91	Спортчи бўлмаганлар, n=20
Бўй, см	188, 54±12,07	180,13±11,65
Вазн, кг	87,6±2,53*	76,57±1,08
Ёғ массаси, кг	13,1±0,35*	16,44±0,54
Мушак массаси, кг	46,83±1,46*	39,43±0,21
Суяк тўқимаси массаси, кг	13,2±0,64	11,07±0,44
Ёғсиз масса, кг	71,43±2,32*	61,17±2,33

Изоҳ: * - таққослаш гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан фарқларининг ишончлилиги $p < 0,05$

Беморларнинг шикастланиш турлари ва шикастланиш механизми бўйича тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Беморларни шикастланиш тури ва шикастланиш механизми бўйича тақсимланиши

Жароҳатланиш тури	Жароҳатланиш механизми		Жами	
	бевосита	билвосита	абс.	%
Йиқилиш: узоқлаштирилган қўлга	-	16	16	31,37
- елка бўғимига	-	12	12	23,52
- тирсак бўғимига	-	5	5	9,8
Елка бўғимига зарб тегиши	6	4	10	19,6
Автотранспорт	-	3	3	5,88
Нотўғри эшкак эшиш техникаси	-	5	5	9,8
Жами	абс.	6	45	51
	%	11,76	88,23	100

2-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, жароҳатлар таркибида биринчи ўринни узоқлаштирилган қўлга йиқилганда шикастланиш эгаллайди (16 ҳолат, 31,37%), иккинчиси-елка бўғимига йиқилиш (12 ҳолат, 23,52%). Аксарият ҳолларда (45 бемор, 88,23%) билвосита шикастланиш механизми кайд этилган. Бу елкада елка бўғимининг бойламларига таъсир қиладиган травматик босим пайтида катта ричаг кучланиши билан боғлиқ.

3-жадвал

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш билан шуғулланадиган спортчиларда марказий гемодинамика кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Тадқ. босқичлари	Эшкак эшувчилар, n=91	Спортчи бўлмаганлар, n=20
SpO ₂ (қон гемоглобинининг кислород билан тўйинганлиги)	1	49,87 ± 3,64	54,12 ± 6,03
	2	58,05 ± 6,02	63,48 ± 7,12
	3	87,02 ± 7,48	76,35 ± 7,13
САБ, (систолик артериал босим)	1	114,13 ± 9,56	116,22 ± 9,67
	2	123,14 ± 11,05	128,35 ± 11,67
	3	134,12 ± 11,43	139,89 ± 12,64
ДАБ (диастолик артериал босим)	1	68,89 ± 6,59	71,45 ± 6,67
	2	70,83 ± 6,58	76,18 ± 6,74
	3	72,67 ± 5,88	79,13 ± 6,54
НС (нафас сони) цикл/мин	1	16,34 ± 1,54	18,67 ± 2,13
	2	20,17 ± 2,05	22,47 ± 2,65
	3	22,13 ± 2,67	24,58 ± 2,73
ЮҚС (юрак қисқаришлар сони), (зарб/мин)	1	63,45 ± 16,34	71,03 ± 8,42
	2	90,87 ± 8,74	102,54 ± 10,73
	3	124,15 ± 11,89	136,13 ± 12,17
ЗХ (зарб ҳажм), (мл)	1	80,54 ± 7,58	76,89 ± 7,02
	2	84,69 ± 8,01	72,87 ± 6,48
	3	72,58 ± 7,04	62,59 ± 5,78
МҚХ (минутлик қон ҳажми),	1	6,82 ± 1,04	7,34 ± 1,78

(мл)	2	8,63 ± 1,45	7,69 ± 1,54
	3	9,78 ± 1,19	8,24 ± 1,78

Изоҳ: * - таққослаш гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан фарқларининг ишончлилиги, / $p < 0,05$

Текширилганлардаги юрак қон томир тизими (ЮКТТ) ўхшашлигига қарамай, биз спортчилар гуруҳида жисмоний меҳнат қобилияти кўрсаткичлар юқори эканлигини аниқладик. Айтиш мумкинки, бу ёшда, ҳали ҳам организм турли тизимларининг ўсиши ва шаклланиши мавжуд бўлганда, жисмоний фаоллик юрак қон томир тизими кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришларга олиб келмайди. Меҳнат қобилиятининг яхшиланиши, эҳтимол, бошқа механизмлар орқали, хусусан, мушак-скелет тизимининг етарли даражада ишлаши туфайли содир бўлиши мумкин, бу қон айланишида бир хил талабларга эга бўлиб, юқори ишлаш қобилиятини таъминлайди. Шу билан бирга, юклама вақтида зарб ҳажмининг юқори қийматларига эришилди, бу юракнинг инотроп функциясининг юқори самарадорлигини кўрсатади. Албатта, бундай ҳисоблаш билвосита усулга асосланади ва сезиларли ноаниқликлар бўлиши мумкин, аммо спортчиларда бир хил юрак уриш тезлигида юрак зарбининг катта қийматларга эга бўлиш тенденцияси мавжудлиги аниқланди. Биз каноэда тизимли эшкак эшиш дам олишда юрак фаолиятига таъсир қилмаслигини аниқладик.

Шундай қилиб, тана композицион таркибини таҳлил қилиш эшкак эшувчилар ва спортчи бўлмаганлар гуруҳи ўртасида вазн ва мушак массаси бўйича статистик жиҳатдан сезиларли фарқларни кўрсатди.

Диссертациянинг «**Байдарка ва каноэда эшкак эшувчиларнинг елка бўғимлари жароҳатларини жисмоний реабилитация қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва уни қўллаш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида биз томонидан тавсия этилган реабилитация тадбирларини елка бўғимлари шикастланган барча назорат ва асосий гуруҳ беморларида қўллаш натижалари келтирилган. Ўртача кузатув даври даволанишдан кейин 3 ойдан 12 ойгача бўлди. Асосий ва назорат гуруҳларининг эшкак эшувчиларида елка жароҳатларини даволаш натижаларини таҳлил қилиш Rowe ва Constant-Murley шкаласи, шунингдек, 3-6-12 ойлик динамикада электромиография (ЭМГ), елка бўғимлари функциясини тикланиш вақти асосида амалга оширилди.

Биз томонимиздан татқиқот давомида ўрганилган ва ҳулоса қилинган илмий татқиқот натижаларига мувофиқ елка бўғими жароҳатланган спортчиларни жисмоний реабилитация қилиш дастури ишлаб чиқилди. Дастур 3 та босқични қамраб олиб асосий реабилитация муолажаларини ўз ичига олади.

Биринчи босқич 7 кунгача давом этади. Авайловчи режим.


Вазифа: елка бўғимининг трофикаси нормаллашиши ва регенерация жараёнларини тезлаштириш, бўғим контрактурасининг олдини олиш, организмнинг умумий тонусини қўллаб-қувватлаш.

Иккинчи босқич 14 кунгача давом этади. Авайловчи-машғулот режими.

Вазифа: мушакларни аста-секин мустаҳкамлаш, бўғим ҳаракатчанлигини

ривожлантириш, бўғим ҳаракати ҳажми ва амплитудасини ошириш.

**Учинчи босқич 21 кунгача давом этади. Машғулот режими
Елка бўғимлари жароҳатланган беморларни жисмоний реабилитация
қилиш дастури**



Реабилитация вазифалари: елка бўғимининг трофикаси нормаллашиши ва регенерация жараёнларини тезлаштириш, елка ва билак мушакларининг куч чидамлилигини максимал даражада шуғуллантириш, бўғим контрактурасининг олдини олиш, организмнинг умумий тонусини кўллаб-қувватлаш, спортчини жисмоний зўриқишларга мослаштириш.

4-жадвал**Реабилитация усулига қараб елка бўғими функциясини тикланиш вақти**

Реабилитация тури	N	Давомийлиги, кун (M±m)	p
Анъанавий	40	40,3±0,1	p<0,05
Таклиф қилинган	51	19,7±0,2	p<0,05

Асосий ва назорат гуруҳлари беморларида елка бўғимлари функциясини тикланиш муддатлари 4-жадвалда келтирилган.

5-жадвал**Елка бўғимидаги ҳаракатлар ҳажмининг кўрсаткичларини таққослаш**


Ҳаракатлар амплитудаси	Клиник гуруҳлар, (M±m)		P
	назорат (n=40)	асосий (n=51)	
букиш	65,0°±0,2°	70,8°±0,3°	p<0,05
ёзиш	25,7° ± 0,2°	37,2°±0,4°	p<0,05
узоқлаштириш	76,8° ± 0,3°	83,3°±0,5°	p<0,05
яқинлаштириш	5,3° ± 0,2°	8,3°±0,2°	p<0,05
ташқи ротация	25,2° ± 0,4°	36,0° ± 0,5°	p<0,05
ички ротация	46,0° ± 1,1°	59,1° ± 0,4°	p<0,05

5-жадвалда узоқ муддатли даврда назорат ва асосий гуруҳдаги беморларда елка бўғимидаги ҳаракатлар ҳажмини таққослаш кўрсатилган. 5-жадвалдаги маълумотлар елка бўғимида барча текисликлардаги ҳаракатлар ҳажми кўрсаткичларида назорат ва асосий гуруҳларда сезиларли тафовутларни кўрсатади. Бу тўғридан-тўғри таклиф қилинган реабилитация усулининг одатдагидан кўра самарадорлигини кўрсатади.

6-жадвал**Функцияни тўлиқ тикланиш муддатига кўра беморларни назорат ва асосий гуруҳларга тақсимланиши**


Клиник гуруҳлар	Функцияни тикланиш муддати					Жами	
	3 ҳафтагача	4 ҳафтагача	6 ҳафтагача	8 ҳафтагача	Тўлиқ тикланмади		
Назорат	-	-	18	14	8	40	
Асосий	24	-	15	11	1	51	
Жами	абс.	24	-	33	25	9	91
	%	26,37		36,26	27,47	9,9	100

6-жадвалда назорат ва асосий гуруҳдаги беморларда елка бўғимлари функциясини тикланиш кўрсаткичларида тўлиқ фарқ кўрсатилган. Олинган натижаларга кўра, асосий гуруҳдаги барча беморлар 21 кунгача фаол ҳаракатларни амалга оширишлари ва елка бўғимининг функциясини тўлиқ тиклаш имкониятига эга бўлдилар, назорат гуруҳидаги беморларда эса деярли 6 ҳафта давом этди. «Тўлиқ тикланмади» устунда бўғимда максимал ҳаракатлар вақтида оғриқ синдроми туфайли елка бўғимлари функцияси тўлиқ тикланмаган назорат гуруҳининг беморлари (8 киши ёки 8,8%) ва бўғим ҳаракатларнинг энгил чекланиши туфайли асосий гуруҳнинг 1 бемори кўрсатилган (1,1%).



1-расм. Rowe шкаласи бўйича реабилитация натижалари

Расмларда келтирилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, назорат клиник гуруҳининг 40 нафар беморлари орасида аъло ва яхши натижалар сони тенг тақсимланди, қониқарли ва қониқарсиз натижалар қайд этилмаган. Ўртача даволаш натижаси $81,1 \pm 0,9$ ($p < 0,05$) бўлди.




2-расм. Constant-Murley шкаласи бўйича реабилитация натижалари тақсимланиши

Асосий ва назорат гуруҳлари беморларида реабилитация натижаларини Constant-Murley шкаласи бўйича тақсимланиш 2-расмда келтирилган.


2-расмдаги маълумотларга кўра, назорат гуруҳида 14 бемор (35,0%) аъло натижаларга эришган, 14 (35,0%) бемор яхши натижалар ва 12 (30,0%) бемор қониқарли натижаларга эришган. Асосий гуруҳда 50,98% бемор аъло натижаларга эришди ва беморларнинг 45,09% яхши натижаларга эришди.

Жадвалда шикастланган қўл мушакларининг биопотенциаллари соғломга нисбатан сезиларли даражада камайганлиги кўрсатилган. Шундай қилиб, асосий гуруҳ беморларида катта кўкрак мушакларининг максимал амплитудасининг ўртача қийматлари соғлом ва шикастланган қўлларда мос равишда $72,3 \pm 0,9$ мВ ва $44,0 \pm 0,8$ мВ ($p < 0,05$) ни ташкил этди. Асимметрия коэффиценти (АК) 64,3% бўлди. Назорат гуруҳидаги беморларда соғлом қўлнинг дельтасимон мушаклари олдинги қисмининг биоэлектрик фаоллиги – $80,1 \pm 0,4$ мВ га тенг бўлди, ўрта – $84,5 \pm 0,6$ мВ, орқа қисми – $74,5 \pm 1,1$ мВ ($p < 0,$

05). Шикастланган кўлда бу кўрсаткичлар мос равишда $55,8 \pm 0,8$ мВ ($t = 6,7c$), $56,7 \pm 0,5$ мВ ($t = 8,9c$) ва $52,6 \pm 0,7$ мВ ($t = 8,4c$) бўлди.



3-расм. Дастлабки даврдаги ЭМГ амплитудаси



4-расм. Муолажалардан кейинги даврдаги ЭМГ амплитудаси

Бундан ташқари, назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳ беморларида мушакларнинг биоэлектрик фаоллигини тикланиши тезлигини қайд этиш мумкин. Даволаш бошланганидан бошлаб тенг даврга қарамай, асосий гуруҳдаги электромиография кўрсаткичлари даражаси назорат гуруҳига қараганда паст бўлди. Шундай қилиб, назорат гуруҳидаги катта кўкрак мушакнинг электромиография кўрсаткичлари 8,54%, асосий гуруҳда – 3,92% ни ташкил этди. 12 ойдан кейин бу мушаклардаги биопотенциал $73,7 \pm 0,5$ мВ ва $79,0 \pm 0,6$ мВ бўлди. Бу тақлиф қилинган реабилитация чоралари туфайли илгари шикастланган елка бўғими мушакларининг биоэлектрик фаоллигини тўлиқ тикланишини кўрсатади.

Шундай қилиб, елкаси шикастланган эшкакчи-спортчиларда электромиография пайтида олинган натижаларнинг умумийлигини таҳлил қилиб, бутун реабилитация даврида шикастланган бўғим мушакларида биоэлектрик бузилишлар камайиши кузатилади, деган хулосага келиш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ушбу патологиянинг энг кўп учрайдиган белгилари ўзига хос ортопедик симптомлар ва функционал етишмовчилик аломатлари экан. Частотаси бўйича биринчи ўринда беморларнинг кўп

қисмида кузатилган Жоуб симптоми туради. Бу елка айлантурувчи манжетининг функционал етишмовчилигини ва фаол ҳаракатларда елка бўғимидаги барқарорликнинг пасайганлигини акс эттиради. Иккинчи ўринда сурункали елка беқарорлиги билан оғриган беморлар орасида кенг тарқалган Леклерк симптоми жойлашган. Ундан кейин қўл-оёқнинг нисбий узайиши ва елка гипотрофияси кузатилади. Бу эса қўл-оёққа тушадиган функционал юкламанинг узок вақт давомида камайиши ва мушаклар озикланишининг аста-секин ёмонлашувидан дарак беради. Текширилганларнинг қарийб ярмида яқинлаштиришга қаршилиқнинг пасайиши, шунингдек, Ванштейннинг ижобий белгиси кузатилди. Бу елка суяги бошчасини пассив ушлаб туришнинг сезиларли беқарорлиги ва бузилганлигидан далолат беради. Бабич симптоми, дельтасимон соҳанинг текислиги, шунингдек, Голяховский, Хитров ва Дроботун каби ўзига хос аломатлар камроқ қайд этилган. Бу эса камроқ ифодаланган клиник кўринишдан ёки аниқлаш қийинроқ бўлган белгилардан дарак бериши мумкин (5 расм).

Шикастланган қўлнинг нерв-мушак аппарати бузилган функциясини оптимал нуқталарда тикланиши 6 ойгача бўлган даврда кузатилади. Бу анъанавий реабилитациядан сўнг беморларда олинган маълумотларга нисбатан реабилитация даври ва бўғим функциясини тикланиш вақтини сезиларли даражада камайтиради.



5 расм.

ХУЛОСАЛАР

Тадқиқотга асосланган ҳолда, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун «**Байдарка ва каноэда эшкак эшувчиларнинг елка бўғимлари жароҳатларини жисмоний реабилитация қилиш дастурини ишлаб чиқиш**» мавзусидаги диссертация ишлари доирасида қуйидаги хулосалар келтирилган:

1. Жароҳатлар таркибида биринчи ўринни узоқлаштирилган қўлга йиқилганда шикастланиш эгаллайди (31,37%), иккинчиси-елка бўғими соҳасига йиқилиш эгаллайди (23,52%). Аксарият ҳолларда (88,23%) билвосита шикастланиш механизми қайд этилган. Бу елкада елка бўғимининг бойламларига таъсир қиладиган травматик босим пайтида катта ричаг кучланиш билан боғлиқ. Текширилган беморлар орасида ўнг елка бўғимидаги жароҳатлар устунлик қилди (64,7%). Чап қўлнинг шикастланиши 35,3% ҳолларда кузатилди.

2. Спортчилар ва спортчи бўлмаганлар ўртасидаги энг катта фарқлар ёғ ва мушак массасининг мутлоқ ва нисбий (тана вазнига нисбатан) кўрсаткичларида аниқланди: сезиларли фарқлар ёғсиз вазн жиҳатидан намоён бўлди (16,77 %); тана композицион таркибини таҳлил қилиш эшкак эшувчилар ва бир гуруҳ спортчи бўлмаганлар ўртасида вазн (1,14 марта) ва мушак массаси (1,18 марта) ўртасидаги статистик жиҳатдан сезиларли фарқларни кўрсатди.

3. Елка бўғими шикастланганда, эшкак эшувчиларда шикастланган қўл мушаклари биопотенциалларининг сезиларли пасайиши аниқланди. Катта кўкрак мушакларнинг максимал амплитудасининг ўртача қийматлари соғлом ва шикастланган қўлларда мос равишда $72,3 \pm 0,9$ мВ ва $44,0 \pm 0,8$ мВ ($p < 0,05$) ни ташкил этди. Асимметрия коэффициенти (АК) 64,3% бўлди. Шикастланган қўлда дельтасимон мушак олд қисмининг биоэлектрик фаоллиги мос равишда $55,8 \pm 0,8$ мВ ($1 = 6,7с$), $56,7 \pm 0,5$ мВ ($1 = 8,9с$) ва $52,6 \pm 0,7$ мВ ($1 = 8,4с$) бўлди.

4. Байдарка ва каноэда эшкак эшувчиларнинг елка бўғимлари жароҳатларини жисмоний реабилитация қилиш дастури ишлаб чиқилди. Дастур амалга оширилгандан сўнг, асосий гуруҳнинг барча беморлари 21 кунгача фаол ҳаракатларни амалга оширишди ва елка бўғимининг функциясини тўлиқ тиклашди. Rowe шкаласи бўйича 80,39% да аъло натижаларга эришилди, беморларнинг 19,6% да яхши натижалар кузатилди. Constant-Murley шкаласи бўйича 50,98% бемор аъло натижаларга ва 45,09% беморлар яхши натижаларга эришди. Реабилитация тугаганидан кейин елка бўғимининг барча ҳаракатлари меъёр чегарасида бўлди.

5. Дастур жорий этилгандан кейин бўғим функцияларининг ўртача тикланиш муддатини статистик жиҳатдан сезиларли даражада – 2,04 марта ($p < 0,05$) пасайиши аниқланди. Шикастланган бўғим мушакларида биоэлектрик бузилишлар кучайиши кузатилди. Буни асимметрия коэффицентининг ўзгариши билан тушунтириш мумкин – масалан, катта кўкрак мушакларининг асимметрия коэффициенти 3 ой ичида 64,3% дан 18,7% гача камайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХУСАИНБОВ ШОХРУХБЕК ДАВРОНБЕКОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ПРОГРАММЫ ФИЗИЧЕСКОЙ РЕАБИЛИТАЦИИ
ТРАВМ ПЛЕЧЕВОГО СУСТАВА У СПОРТСМЕНОВ-ГРЕБЦОВ НА
БАЙДАРКАХ И КАНОЭ**

14.00.38 – Спортивная медицина

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Самарканд - 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2024.2.PhD/Tib4786

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета (www.sammu.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Ризаев Жасур Алимджанович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Садьков Абдушукур Абдужалилович доктор медицинских наук, профессор Еремушкин Михаил Анатольевич доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Андижанский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2025 г. в ____ часов на заседании Научного совета 04/31.10.2024.Tib.102.03 при Самаркандском государственном медицинском университете (Адрес: 140100, Самарканд ул. Амир Темур, 18. Тел./факс: (+99866) 233–30–34; e-mail: ilmiyprorektori@sammu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского университета (зарегистрирована, № ____). (Адрес: 140100, Самарканд ул. Амир Темур, 18. Тел./факс: (+99866) 233–30–34).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2025 год.

(Протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2025 года)

Н.А. Ярмухамедова

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc), доцент

Ж.А. Исмаилов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктора философии по медицинским наукам (PhD), доцент

С.Э. Мамараджабов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность работы и востребованность темы диссертации. Циклические виды спорта, такие как бег, плавание, велоспорт и лыжные гонки, играют важную роль в укреплении здоровья и профилактике заболеваний. Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) подчеркивает значимость регулярной физической активности для всех возрастных групп. ВОЗ призывает страны разрабатывать и внедрять национальные стратегии, направленные на повышение уровня физической активности населения. Это включает создание инфраструктуры для занятий спортом, проведение информационных кампаний и интеграцию физической активности в повседневную жизнь³. Циклические виды спорта характеризуются повторяемостью двигательных фаз, лежащих в основе каждого цикла, тесной связью каждого цикла с последующими и предыдущими. Основу циклических упражнений составляет автоматически проявляющийся ритмический двигательный рефлекс. Высокие результаты в этих видах спорта в первую очередь зависят от функциональных возможностей различных систем организма и способности спортсмена произвольно противостоять утомлению. При занятиях циклическими видами спорта затрачивается большое количество энергии, а сама работа выполняется с высокой интенсивностью, что, в свою очередь, приводит к полноценному физическому развитию спортсмена и создает основу для роста его спортивного мастерства.

В мире проводится ряд исследований, направленных на совершенствование реабилитации и профилактики спортивных травм. Повреждение плечевого сустава - одна из наиболее распространенных патологий крупных суставов, которая, по данным литературы, составляет от 16% до 55% случаев. Боли в плечевом суставе по частоте выявления среди всех проблем опорно-двигательного аппарата занимают третье место после болей в поясничном отделе позвоночника и коленных суставах. Чаще всего встречаются повреждения вращательной манжеты, что составляет 86% случаев и является наиболее распространенной причиной нетрудоспособности.

В нашей стране реализуются комплексные программные и целевые меры по повышению качества оказания медицинской помощи населению, приведению системы первичной медико-санитарной помощи в соответствие с международными стандартами, достигаются положительные результаты. В связи с этим определены задачи "повышения качества квалифицированной помощи в сфере первичной медико-санитарной помощи...." Реализация этих задач, в том числе проведение углубленных научных исследований распространенности травм плеча у спортсменов-гребцов и методов их профилактики и реабилитации, использование современных достижений медицины и фармакологии в снижении негативных последствий спортивных травм является одним из актуальных направлений.

